2013 йил 4 март, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 (12.355)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, иқтисодий тараққий этган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда углеводород хомашёсининг жаҳон миқёсидаги заҳиралари камайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланиш бўйича ишланмалар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, улар юзасидан бир қанча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб борилмоқда. Республикада Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ – Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилди.

Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари айниқса фаол ва самарали олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган тадқиқотларнинг натижалари мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида амалда экспериментал равишда кенг кўламда қўлланилмоқда. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида республикада қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар асосида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилмоқда ва улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳрида, Самарқанд вилояти ва бошқа минтақаларда иссиқ сув олиш учун гелиоқурилмалар ўрнатилган. Турли қувватлардаги фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Кўплаб олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун Ўзбекистонда яратилган шарт-шароит ва мавжуд имкониятлар мазкур минтақадан бу соҳадаги илғор технологияларни нафақат республикамизда, балки бутун Ўрта Осиёда тажриба тариқасида жорий этиш майдони сифатида фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тўпланган тажрибани эътиборга олган ҳолда ва тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқорироқ техник ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни амалда қўллаш, шунингдек, мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистонда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланишни янада чуқурроқ ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш учун илмий-экспериментал ва моддий-техника базаси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фанлар академияси ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин, бунда муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, республикада тегишли ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш;

илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциалидан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қуёш энергетикасидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш, шу жумладан махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш;

қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятини ташкил этиш ва уни молиялаштириш манбалари бўйича қарор қабул қилсин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, "Ўзбекэнерго" ДАК ва "Suntech Power Co." (ХХР) компанияси ўртасида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни тенг улушларда молиялаштирган ҳолда энг замонавий технологияларга асосланган 100 МВт қувватли фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишувга эришилди.

"Ўзбекэнерго" ДАК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш бўйича бизнес-режа ҳамда зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, бунда 2013 йилнинг октябрь ойида қуввати 50 МВт бўлган биринчи навбат ишлаб чиқаришни фойдаланишга топшириш, 2015 йилда лойиҳа қувватига эришиш назарда тутилсин. Бу ўринда корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга эҳтиёж ва уни сотиш бозорларини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва "Ўзбекэнерго" ДАКнинг Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

"Ўзбекэнерго" ДАК уч ой муддатда лойиҳани молиялаш манбалари сифатида Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағларини жалб этишни назарда тутган ҳолда, лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2013 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда "Ўзбекэнерго" ДАКга электростанцияни қуриш ва жойлаштиришни ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясини қўллаш бўйича экспериментал ва пилот лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги халқаро экспертлар иштирокида икки ой муддатда хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликлар бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказлари ҳамда технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир халқаро конференцияни ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, "Ўзбекэнерго" ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг I ярим йиллигида Вазирлар Маҳкамасига "Муқобил энергия манбалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 1 март*

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича «ўзбек модели» бугун дунёнинг тараққиёт сари интилаётган аксарият давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда одамлар ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳам ушбу муҳим вазифани изчил бажаришга қаратилган.***

**2013 йил — Обод турмуш йили**

## АСОСИЙ ВАЗИФА — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Масалан, Давлат дастурининг бешинчи бўлимида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги турар жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Мамлакатимиз қишлоқларида намунали лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар кенг кўламда қурилаётгани ва тегишли инфратузилма шакллантирилаётгани одамлар турмуш сифати ва даражасини янада оширишга эътибор қаратилаётгани ҳамда ғамхўрлик кўрсатилаётганидан ёрқин далолатдир. Бундай хайрли ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2013 йилда 353 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қуриш режалаштирилган. Бунинг учун йўналтирилаётган маблағлар ҳажми 2012 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 54 фоизга кўпдир. Бундан ташқари, жорий йилда ёш оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 36,7 миллиард сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилади.

(Давоми 2-бетда)

## МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

### «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганига 20 йил тўлди



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом авлод тарбияси, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 март куни қабул қилинган Фармонига мувофиқ таъсис этилган мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб номланишида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда умумэътироф этилган шиор – «Соғлом она – соғлом бола» тамойили, ўз моҳиятига кўра, аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи даъват бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун шаҳару қишлоқларимизда фаолият юритаётган замонавий мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, спорт саройлари, тиббий муассасалар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Навоийда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлари ижросини таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият органлари томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

**• Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида ҳарбий хизматга отланган бир гуруҳ йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Кузатиш маросимида вилоят жамоатчилиги билан бирга пойтахтдан келган ижодкорлар ҳам иштирок этди.**

**• Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида «Чет тили таълимида узлуксизлик ва касб мутахассисларини тайёрлаш» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд Давлат университети, Самарқанд Давлат чет тиллар институти, Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**• Фарғонада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан адабиёт кунлари ўтказилди. Унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимлар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.**

**• Жорий йилда Сурхондарё вилояти фермерлари катта ҳудудда эртапишар картошка етиштирмоқда. Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишларича, бу йил воҳада чигит экиш мавсуми бошлангунга қадар уч минг гектар ерда эртапишар картошка парваришланиб, мўл ҳосил йиғиб олинади. Об-ҳавонинг мўътадил келганидан самарали фойдаланаётган миришкор фермерлар далада бир текис ундириб олинган картошка кўчатларини меҳр билан парвариш қилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Хитойда 5,5 магнитудали кучли зилзила содир бўлди. Сўнг ер қимирлашлари яна бир неча бор такрорланди. Сўнгги маълумотларга кўра, зилзила натижасида 1400 та уй вайрон бўлган, 30 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.**

**• Еврокомиссия Ирландиянинг икки авиакомпанияси — «Ryanair» ҳамда «Aer Lingus»нинг бирлашишига қарши чиқмоқда. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашига кўра, агар ушбу режа амалга ошса, мамлакат ҳаво транспорти соҳасида монополия юзага келади. Айтиш керакки, «Ryanair» бир неча йилдан буён рақобатчисини қўшиб олишга ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда у «Aer Lingus» авиакомпаниясига тегишли қимматли қоғозларнинг 30 фоизига эга энг йирик акциядор ҳисобланади. «Ryanair» охирги марта «Aer Lingus» авиакомпанияси активлари учун 694 миллион евро миқдорида маблағ таклиф қилди.**

**• Буюк британиялик экологларнинг огоҳлантиришича, Европадаги ўрмон заҳираларининг учдан бир қисмининг яқин йилларда бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи мавжуд. Гап шундаки, ушбу хавф ўрмон ёнғинлари ёки инсониятнинг атропоген таъсири туфайли эмас, балки замбуруғлар орқали юзага келмоқда. Масалан, Данияда кейинги етти йил ичида 9 фоиз шумтол ўрмонзорлари айнан замбуруғлар туфайли нобуд бўлган. Таъкидлаш керакки, бугунги фан мазкур замбуруғларга қарши самарали кураш усулларини тополмаяпти. Ҳозирча замбуруғ билан заҳарланган дарахтларни кесиб ташлаш билан кифояланилмоқда.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Суд қарорларини ижро этишда қонун ҳужжатларининг аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** «Саховат спорт сервис» акционерлик жамияти сув ҳавзаси, футзали ҳамда Республика гимнастика ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабида «Соғлом авлод учун» кубоги ўқувчи ёшлар ўртасида II спорт фестивали ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежида ўтказилган давра суҳбати «Одам савдоси — аср бабоси» мавзуига бағишланди.

## 2013 йил — Обод турмуш йили

# АСОСИЙ ВАЗИФА — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизмати билан таъминлашни янада яхшилаш турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Давлат дастурида қишлоқ массивларида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойларда узунлиги 293,3 километр сув таъминоти тармоқлари, шунингдек, 462 қишлоқ аҳоли пунктида 552,8 километр ана шундай тармоқларни барпо этиш кўзда тутилган. Андижон, Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Фарғона ва бошқа бир қатор шаҳарларда, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, сув таъминоти ва канализацияни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Минтақалараро сув ўтказгич иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида ҳудудлар аҳолисини ишончли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳам энг муҳим вазифалар сирасига киради. 2013 йилда Талимаржон иссиқлик электр станциясидан "Сўғдиёна" ПСгача 215,8 километр узунликда 500 кВ юқори кучланишли электр узатиш линияси қурилади. Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриладиган қишлоқ массивларида узунлиги 239,4 километр 0,4-10 кВ юқори кучланиш линияси қурилади ва 155 трансформаторли кичик станциялар ўрнатилади. Мамлакатимиз ҳудудларида узунлиги 1775,6 километр 0,4-10 кВ юқори кучланиш линияси ва 434 трансформаторли кичик станцияларни реконструкция қилиш, узунлиги 9312,3 километр шундай электр узатиш линияларини ҳамда 4753 кичик станцияни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Давлат дастурида ҳудудлар аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада 254 километр газ тақсимлаш тармоқлари қурилади ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси тасарруфидаги газ тақсимлаш тармоқларининг 280 километри капитал таъмирланади. Якка тартибдаги 353 қишлоқ массивларига узунлиги 393,65 километрли газ қувурларини ўтказиш кўзда тутилган.

Аҳолининг иссиқлик билан таъминланиш даражасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2013-2020 йилларда мамлакатимизнинг 28 йирик шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тасдиқланган ҳамда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган.

Жорий йилда 16 шаҳар ҳамда 67 туман марказларида коммунал дренаж тизимларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, насос ускуналари модернизация қилинади, янги қудуқлар ишга туширилади ва улар тегишли равишда жиҳозланади.

Одамлар турмуш сифатини ошириш кўп жиҳатдан шаҳар ва қишлоқларда замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль йўлларининг ўтказувчанлик имкониятини кенгайтириш, йўл қопламаси сифатини яхшилаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқ.

Давлат дастурига мувофиқ маҳаллий аҳамиятга эга умумий фойдаланиладиган 137,3 километр автомобиль йўллари капитал таъмирланади, 353 қишлоқ жойдаги намунавий уй-жой массивларига олиб борадиган 239,1 километр узунликдаги янги автойўллар қурилади. Самарқанд, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарларида узунлиги 39,7 километр кўчаларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган М-39 "Тошкент-Термиз" ва 4Р-87 «Ғузор-Чим-Кўкдала» автойўли реконструкция қилинади.

Жорий йилда транспорт инфратузилмаси ҳам янада ривожлантирилади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 48, шу жумладан, қишлоқ жойларда 42 янги йўловчи ташиш йўналишларини очиш режалаштирилмоқда. Автобус парки ҳам янгиланади. 400 та «Исузу» ва 100 та «Мерседес» русумли автобуслар харид қилинади.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун ўнта автовокзал ва тўртта автостанция ҳудудини ободонлаштириш кўзда тутилган. Жамоат транспорти тўхтайдиган бекатларнинг қиёфаси замонавий талабларга мос бўлиши учун улар капитал таъмирланади. Тошкентда қўшимча равишда 50 та махсус жиҳозланган йўналишсиз таксилар тўхташ жойларини барпо этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳудудларда автомобилларга газ тўлдиргич 26 компрессор станциясининг қурилиши транспорт хизматини такомиллаштириш, ёқилғи нефть маҳсулотларини тежаш ва экологик вазиятни янада яхшилаш имконини беради. Бу ишлар Давлат дастурида режалаштирилган ҳамда энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни жадал жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг муҳим қисмидир.

Масалан, жорий йилда бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фотоэлектр панеллар, 10 минг дона замонавий, самарали иссиқлик ва сув иситиш қозонларини ишлаб чиқариш ташкил қилинади. «Ангрен» махсус индустриал зонасида эса энергия тежайдиган ёруғлик диодли лампалар ишлаб чиқарадиган қўшма корхонани ташкил этиш режалаштирилган.

Йилнинг асосий қисмини қуёшли кунлар ташкил этадиган мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш катта истиқболга эга. Давлат дастурида Қорақалпоғистон Республикасининг 17 қишлоқ врачлик пункти ва битта туман марказий шифохонасини шундай қурилмалар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда энг илғор, шу жумладан, ахборот технологиялари қўлланилмоқда ва бу уларнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Мисол учун, рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш, Хоразм, Жиззах, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ана шундай имкониятларни янада кенг рўёбга чиқариш режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мамлакатимизда одамлар турмуш сифатини юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳисобидан уларнинг даромадини кўпайтиришга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларнинг муҳим қисмидир. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳудудларида чакана савдо ва умумий овқатланиш тармоқларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Аввало, қишлоқ жойларда бундай объектларни қуришга оид ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилади. Қишлоқ массивларида якка тартибдаги уй-жойлар қуришда бир пайтнинг ўзида "гузар" шаклидаги чакана савдо ва савдо-маиший комплекслар, шунингдек, бундай массив ва, умуман, қишлоқларда 966 чакана савдо шохобчаси ҳамда 260 умумий овқатланиш корхонасини қуриш режалаштирилган. Жойларда замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган қолипли нон ишлаб чиқариш цехлари очилади. Чекка ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли учун кўчма автодўконлар ташкил этилади.

Озиқ-овқат товарлари, жумладан, йод танқислиги касалликларининг олдини олишга ёрдам берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаяди. Масалан, 2013 йилда Қорақалпоғистон Республикасидаги «Қўнғирот натрий сульфат» шуъба корхонасида йодланган ош тузи ва мамлакатимиз саноати учун зарур натрий сульфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шундай қилиб, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг барча муҳим йўналишлари қамраб олинган. Мазкур дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизни жадал ривожлантириш асосини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаёт сифати ҳамда даражаси, унинг фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**(ЎзА)**

# ОБОД ТУРМУШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – обод ва фаровон турмушнинг муҳим омили» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари, хотин-қизлар ва журналистлар иштирок этди, хабар қилади ЎзА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Турсунов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Г.Алимова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланганини таъкидлади. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

«Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг 48,9 фоизи хотин-қизлардан иборат. Партия мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, оилалар фаровонлигини ошириш, тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, аёлларни тадбиркорликка жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этмоқда.

Юртимизда ҳар йили аёллар, болалар, ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида «Саломатлик ҳафталиклари» ташкил этилмоқда. Қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан бепул таъминлаш йўлга қўйилган. «Соғлом она – соғлом бола» дастури доирасида фертиль ёшдаги аёлларга бирламчи тиббий-профилактика, скрининг ва перинатал тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Бунинг натижасида аёлларимизнинг саломатлик кўрсаткичи яхшиланиб, умри узаймоқда.

Анжуманда «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий муҳофазаси бўйича қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифаларнинг ижросини изчиллик билан таъминлаш хусусида фикрлашилди.

**Б.ХИДИРОВА**



*Маҳсулотларимиз сифати тобора ошиб бормоқда.*

**Асқар Ёқубов (ЎзА) олган суратлар**



# МАҲАЛЛА НУФУЗИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

***Маҳалла – халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва хайру саховат сингари инсоний фазилатларни ўзида мужассам этувчи гўшадир.***

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам маҳалла фаолияти ташкилий асосларини такомиллаштириш, вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, миллий қадриятлар маскани бўлган маҳалла институтининг ривожланиши бу соҳага катта эътиборнинг амалий ифодасидир. Ўтган йиллар мобайнида маҳалланинг нафақат шакли-шамойили, балки моҳияти ҳам ўзгарди, ваколат ҳамда вазифалари кўлами сезиларли даражада кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими томонидан Учтепа туманидаги «Журжоний» маҳалласида «Истиқлол йилларида маҳалла институти: амалдаги қонунчилик ва уни янада такомиллаштириш масалалари» мавзусида жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Ушбу тадбир «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) лойиҳаларини такомиллаштиришга бағишланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар партия фаоллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими вакиллари, пойтахтимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида маҳаллалар фаолиятига оид ҳар иккала қонуннинг янги таҳрири муҳокама қилинмоқда. Ушбу қонунларнинг янги таҳрири 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш» деб номланган бешинчи йўналишда уларни такомиллаштириш йўллари таклиф этилганлигидан келиб чиқиб тайёрланган.

Тадбир давомида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (янги таҳрир) тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Барчиной Машарипованинг маърузаси тингланди.

— Қонун лойиҳасининг моҳияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, жумладан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган, — деди жумладан Б. Машарипова. — Ушбу қонун лойиҳаси аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш каби вазифаларнинг ечимига йўналтирилган.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (янги таҳрир)и тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Камола Ҳамидова батафсил тўхталиб ўтди.

— Қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ошкоралигини кучайтириш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш, шунингдек, сайловларни ўтказиш сифатини оширишга қаратилган, – дейди маърузачи. — Лойиҳа қуйидаги вазифаларнинг ечимига йўналтирилган: фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида вакиллик органлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг роли ва масъулиятини янада ошириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, улар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда ваколатларини чегаралаш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига қўйиладиган талабларни янада кучайтириш вазифалари.

Мазкур жамоатчилик муҳокамасида иштирок этган маҳалла раислари ўз фаолиятлари нуқтаи-назаридан, амалий тажрибаларидан келиб чиқиб таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратилган ва бу иш изчил давом этмоқда.

2012 йилда 108 болалар спорти объекти, жумладан, 16 сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз ҳудудларида 12 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Самарқанд шаҳридаги эшкак эшиш канали реконструкция қилинди.

«Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлаш – бу жараёнга улкан ҳисса қўшаётган меҳридарё инсонлар меҳнатининг юксак эътирофидир.

Икки даражадан иборат мазкур орден билан оналик ва боланикни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтириш йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар мукофотланади. Шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мазкур орден билан мукофотланиши мумкин.

Орденнинг тасвирида ўзига хос рамзий маъно-мазмун мужассам. Унинг ўнг қисмидаги қуёш нурлари фонида фарзандини опичлаб турган мўътабар она сиймоси акс эттирилган. Ватан тимсоли бўлган мунис волида меҳр ва хотиржамлик билан фарзандига тикилиб ўтирибди, эзгу орзу-интилишлар рўёби бўлмиш беғубор бола эса иштиёқ ва қувонч билан эзгулик ва бунёдкорлик сари – нурга талпинмоқда.

Орден бириктирилган дастанинг ички қисми яшил рангдаги товланувчи лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида гуллаб турган ўрик новдаси тасвири туширилган. Гуллаётган ўрик новдаси – кўклам, табиат ва онгдаги уйғониш тимсоли. Бу тасвир яшариш ва янгиланиш рамзи бўлган яшил ранг фонида янада гўзал жило ва теран мазмун ифода этади.

Соғлиқни сақлаш, таълим, спорт каби соҳаларда меҳнат қилиб, соғлом авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб ватандошларимиз «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Улардан бири – олий тоифали шифокор Нурмаҳамат Абдуллаев. У Фарғона вилояти Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмасининг чақалоқлар патологияси бўлими мудири. Тиббиёт бирлашмасининг мазкур бўлими тубдан таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда туғиш ёшидаги аёллар доимий тиббий назоратга олинган, барча профилактик тадбирлар ўз вақтида ўтказилади. Бунинг натижасида уларда ҳомиладорлик асоратларсиз кечмоқда, чақалоқларнинг соғлом ривожланиб, соғлом туғилишига эришилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 27 августдаги Фармонига биноан қарийб ўттиз беш йилдан буён шу соҳада самарали меҳнат қилаётган Нурмаҳамат Абдуллаев II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

«Соғлом авлод учун» ордени буюк келажагимиз ворисларини тарбиялашда юртдошларимизга куч-ғайрат бағишлайверади.

# ОБОДЛИК ЙЎЛИДАГИ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ

***«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси томонидан ижтимоий масъулиятли фуқароларнинг «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросидаги иштирокига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.***

Унда мазкур жамоат ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Ахборот марказлари раҳбарлари иштирок этди.

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси директори А.Хўжаева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш, жамият фаровонлиги ва равнақини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Давлат дастурида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасасининг ҳудудий Ахборот марказлари орқали кам таъминланган оилалар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳат, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш бўйича лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Жамоат ташкилотининг жойлардаги Ахборот марказларида аҳолининг кам таъминланган қатламлари, эҳтиёжманд оилалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фуқароларга консультатив ва ташкилий кўмак кўрсатилмоқда.

Жорий йилда мазкур жамоат ташкилоти томонидан ободонлаштириш акцияси ўтказилиб, жойларда кўчатлар экиш, боғлар барпо этиш, маҳаллаларни саранжом ҳолатга келтириш, ёлғиз, нуроний кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг уйларини таъмирлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Семинарда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси ҳудудий Ахборот марказларининг ўтган давр мобайнидаги фаолияти атрофлича таҳлил этилди, истиқболдаги вазифаларни амалга ошириш бўйича режалар ишлаб чиқилди.

**(ЎзА)**

## 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

# ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

***Ҳеч эсимдан чиқмайди, онамнинг юмушлари сира тугамас эди. Тонг ёришмасдан туриб сигир соғар, ҳовлини супуриб-сидирар, нонушта тайёрлаб, кейин бизларни уйғотарди. Бизни ювиб-тараб мактабга кузатиб, ўзи кетмонни кўтариб далага чиқиб кетарди. Опаларим ёш бўлишига қарамай, онамга ёрдам беришга тиришарди. Онам қадоқ босган қўллари билан уларнинг бошини силаб, бағрига босиб пичирлаб, бир нималар дерди. Опаларим эса кўзларини ерга тикиб, бошини тасдиқ маъносида қимирлатиб қўярди...***



Бугунги кунда юртимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароитлар, оилаларда аёлларимиз турмуш тарзининг кун сайин юксалиб бораётгани, аёлларга нисбатан кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор ҳавас қилгулик. Аёлларнинг қўл меҳнатини камайтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган ислоҳотларда хотин-қизларнинг иштироки тобора ортиб бормоқда. Уларнинг ақлу заковати, теран билими ва истеъдоди, ғайрат-шижоати билан оилада, давлат ва жамият бошқарувида, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият, спорт ва илм-фан тараққиётида, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда аёлларимиз катта муваффақиятларга эришмоқда.

Давлатимиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтиришга, уларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим ҳамда замонавий касбларни эгаллаши, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил қилинди. Бугун барча соҳаларда хотин-қизлар ўзларининг иқтидор ва имкониятларини намоён этмоқда. Хотин-қизларнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, улар орасида нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур инсонлар – корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари етишиб чиқа бошлади. Улар орасида Ватанимизнинг юксак мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлари бор.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш ишларини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

– Мамлакатимиз 22 йиллик мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир йили, ҳар бир босқичида хотин-қизларнинг фаол иштироки хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова. – Аввалambor, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли экани мустаҳкамлаб қўйилган. Ўтган давр мобайнида аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда.

Жамиятнинг маданий даражаси, миллатнинг улуғлиги, маънавий баркамоллиги кўп жиҳатдан аёлларга бўлган муносабатга боғлиқ.

Аёлга бўлган ҳурмат ва эътибор бугун жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлаётир. Зеро, аёл – аввало, она, ҳар қанча меҳру-муҳаббатга сазовор зот. Азал-азалдан аждодларимиз аёл зотини севиб, ардоқлаб, эъзозлаб келган.

Бугунги кунда қизларимизнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, бир неча чет тилларда бемалол сўзлашиши, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дунёга чиқаётгани эътирофга лойиқ. Зеро, аёллар оила гултожи, миллат давомчиси, келажак авлод тарбиячисидир. Аёллар бор экан, эзгу ва хайрли амаллар сари интиламиз, эртанги кунга, келажакка ишонч билан қараймиз. Умримизнинг энг унутилмас лаҳзалари, қувончли дамлари, юракларда туғён урган муҳаббат нашидаси ҳам ана шу аёллар туфайлидир.

Мамлакатимиз жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига ўзининг миллий қиёфаси, миллий менталитетига хос анъана ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда қўшилди. Ўтган йигирма икки йилда бошқа соҳалар қатори аёлларни улуғлаш, давлат томонидан уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Хотин-қизлар бандлиги масалаларини ҳал қилишга, биринчи галда қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, уларни тадбиркорлик фаолиятига, аввало, кичик ва оилавий бизнес соҳаларига, хизмат кўрсатиш, фермерлик ва касаначиликка жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

– Касаначилик асосида миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаб, яхши тажрибага эга бўлдим. Кичик корхона ташкил қилиб, қишлоқ аёлларини бу ишга жалб этдим. Ҳозирги кунда ўн нафар аёл мунтазам иш ўрнига эга бўлди. Маҳсулотларимизни чет эллик сайёҳлар ҳам катта қизиқиш билан харид қилмоқда, – дейди «Нозанин Садаф» хусусий корхонаси раҳбари Муҳайё Жўраева.

...Қизлар тарбияси жамият келажагини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардандир. Қайси бир миллатни юксалтирмоқчи бўлсангиз, унинг қизларини – бўлажак оналарини чиройли тарбияга, гўзал ахлоққа ўргатинг, деган экан донолардан бири.

Юртимизда бу борадаги ишлар аввало қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашдан бошланади. Мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турган ёш қизларга оила, унинг боқий қадриятлари улуғлиги, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат қадри ҳақида атрофлича тушунча ва кўникмалар бериш мақсадида «мактаб – оила – маҳалла» ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Таълим муассасаларидаги юқори синф ўқувчиларига шу мавзуга бағишланган махсус фанлар ўқитилмоқда. Барча фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида ташкил этилган «Оила дорилфунуни»да йигит-қизларга баркамол, мустаҳкам ва соғлом оила қуришнинг сир-асрорлари ўргатилаётир.

Шу ўринда бугунги ўсиб келаётган иқтидорли қизлар кимдан андоза олмоқда ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда кўмак берадиган, уларга тимсол бўладиган раҳбар аёллар, давлат арбобларидан кимларга эргашмоқда, деган ўринли савол туғилади. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида Ўзбекистон халқ шоири, буюк садоқат тимсоли Зулфияхоним ана шундай маънавий жасорат соҳибаси сифатида ўзбек қизларига ибрат қилиб тасвирланади. Қолаверса, бугун ёш қизларимизга намуна бўладиган даражада фаолият олиб бораётган депутат аёлларимиз, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда бошқа жабҳадаги аёлларимиз борлигидан фахрланишимиз керак.

Ўз қадрини билган ҳар бир қиз янги ҳаётга қадам ташлар экан, катта мақсадларни олдига қўйиши, улардан бир қадам олдинда юрган устозлар эса уларга кўмакчи бўлмоғи зарур.

Ҳозир ўз иқтидорини намоён қилаётган қизлар эртага муайян соҳанинг етук мутахассисига айланиши, жамиятда ўз сўзига эга соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши керак. Табиийки, бугунги ижтимоий фаол қизлар эртага сиёсий фаол аёллар сафига қўшилади.

– Бизнинг ёшлик пайтимизда аёллар тенгҳуқуқлилик деган тушунчанинг қурбони бўлди, десам хато қилмайман, – дейди сурхондарёлик юз ёшдан ошган Ойбаланд момо Тўраева. – У вақтларда тенгҳуқуқлилик дегани эркаклар касбини эгаллашни англатарди. Аёлларнинг кўпчилиги тракторчилик, қурувчилик каби оғир ишларни ўз зиммасига олган. Аёллар тенгҳуқуқлилиги дея табиий меъёрлар унутилди, аёл деган нозик хилқатни зўриқтириб, елкасига залворли юклар ортилди. Бугун ёш қизларимизнинг санъат ва спорт соҳаларида дунё миқёсида эришаётган ютуқларини кўриб, шу кунларга етказганига шукроналар, шундай шароит ва имкониятлар яратиб бераётган Юртбошимизга раҳматлар айтаман.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари тамойилини босқичма-босқич амалга оширишда юксак билим ва малакага эга оқила аёллар жамият ҳаётининг барча тармоқларида нуфузли ўринларда самарали меҳнат қилаётир.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалаётгани мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора мустаҳкам қарор топаётганидан далолатдир. Фарзандларимизни оилада, таълим муассасаларида, умуман, жамиятда аждодларимизнинг онгу тафаккурида асрлар давомида шаклланган ор-номус, уят, ибо, ҳаё каби юксак маънавий мезонлар асосида тарбиялай олсак, улар хушхулқ инсонлар бўлиб камол топади.

...Кеча опам уйга «Lasetti» машинасини ҳайдаб келди. Қишлоқда қуриладиган янги корхонанинг лойиҳасини онамга кўрсатди. Онам дуо қилдилар...

Опам фермерликни бошлаганда онам бир оз ранжиган эдилар. Аёл бошим билан мен даладан чиқмадим, энди сен ҳам умр бўйи далада ўтасанми? Мен сизларнинг ўқиб, олим ё врач бўлишларингни хоҳлаган эдим, дегандилар. Опам эса жилмайиб, бугуннинг фермерлари машиналарда юриб, катта-катта лойиҳалар устида бош қотиради, она, деганди.

Онам кўзларида ёш билан дуога қўл очар экан, аёлларга шундай шароитлар яратиб бераётган, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида доимо ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиз омон бўлсинлар, дея юзларига фотиҳа тортдилар...

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ФАРОВОНЛИГИМИЗ ЙЎЛИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

***Маълумки, 2013 йил Юртбошимиз ташаббуслари билан «Обод турмуш йили» деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 14 февралда «Обод турмуш йили» Давлат дастури қабул қилинди.***

Ушбу давлат дастурида қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор берилди.

**Биринчидан,** юртимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича шуғулланадиган масъул тегишли идоралар бор. Лекин давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин.

**Иккинчидан,** обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида аввалambor, фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий корхоналарни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар дастурда аниқ ва қатъий белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг «Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик» деган ажойиб мақоли замирида мужассам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида дастурга биноан катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

**Учинчидан,** обод турмушнинг яна бир муҳим шарти – бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало, «Тани соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин», деб ният қилиши бежиз эмас, албатта.

Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

**Тўртинчидан,** халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Бешинчидан,** биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу аввало, ҳар бир инсон ўз уй-жойини, маҳаллани обод қилиш демакдир.

**Олтинчидан,** ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, энг аввало, аёлнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун дастурга биноан қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимиз керак.

Албатта, Давлат дастуридаги мана шундай катта вазифалар давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этгандагина рўёбга чиқарилиши мумкин.

**Нурия ШОҲНАЗАРОВА,**
**Тошкент шаҳар,**
**Чилонзор тумани 6-сон нотариал**
**идорасининг нотариуси**

# СЕН ШУНДАЙИН КЎРКАМСАН, КЎКЛАМОЙ ФАСЛИМ

***Яна келдингми баҳорим, гулоблар сепиб, борлиққа ажиб ифор таратиб, осмонингда қуёш юзин яширар, ёмғирлар ёғади дилга хуш ёқиб. Атрофга таралар насимлар иси, далаларда майса уна бошлайди, бойчечак уйқудан турган маҳали, офтоб уни эркалаб нурин сочади.***

Баҳорим, биз сени соғиндик жуда. Хушбўй нафасларинг кўнглим очади, юракда ғуборлар заҳрини ювиб, энг гўзал манзара бўй кўрсатади.

Сен шундай азизсан, мукаррам фаслим. Бағрингда ниш урар кўклам нафаси, теграngда чарх уриб айланар бугун, баҳорнинг эркатой қалдирғоч қуши. Осмонлари шаффоф, сувлари зилол, боғларида жаннат гуллари бисёр, ой ҳам эгилади мисоли ҳилол, қараган одамнинг учади ҳуши. Ҳаволар хушнафас, тонглар мунаввар, шабнамда чайилар ер заҳалари, азизим, сирдошим, оламга бир боқ, дилингни яйратар хуш наволари.

Азиз асрдошим, қаддингни тик тут. Кўнглингдан чиқаргин ғуборларингни, атрофга бир қара, нафас ол тўйиб, қишга бериб юбор аразларингни. Оппоқ қорлар каби эрисин сингиб, юракнинг доғлари, қалб яралари. Азоблар, армонлар, қайғу ва ғамлар, сизлардан кетсинлар нарироқ, нари. Майли душманингнинг кўнгли шод бўлса, ғийбатлар ғурбатлар қилаверсин у, шоядки шу билан оромлар олиб, мижғов ва тор кўнгли ёришиб юрса. Ёмонлик қилишни ўзига эп билса, ўзи қазиб юрган чоҳига, не ажаб сирпаниб ўзи йиқилса. Аммо сен ўксима, қилма ёмонлик. Ташвишларингдан ҳам бир оз бургил юз, кўзларингни юму самога қара, ўзингни тутиб бер шаббодаларга.

Қадрдоним, замондошим, бунча хомушсан. Нелар ўртамоқда юраккинангни, нечун ҳорғин хаёлга чўмдинг, баҳорга айта қол истакларингни. Баҳор ифорлари бошинг силайди, сочингни ўйнайди майин саболар. Ёмғир шивалайди кўз ёшинг бўлиб, буни кўриб ўксик кўнглинг кўтарилар. Тилаклар тилайди она табиат, куч ҳам бағишлайди билакларингга. Чучмомалар пойингга поёндоз бўлиб, қулоғингга баҳор байтин шивирлар. Дилинг туғёнини англар гулбаҳор ва осмонга чизар қалбинг аксини, сўнгра у товланар камалак бўлиб, буни кўрган кўзлар қувонар.

Баҳор келди, борлиқ гулларга тўлди. Яшнади табиат, ястанди олам. Баҳор ифоридан сархушлар бўлиб ҳатто шеър ёзмоқда ўзимнинг болам. Баҳорим, гулбаҳорим майли яшнайвер. Борлиққа эзгулик нурини сочгин, кимнингки кўнгли ўксик, муроди етим, унга ҳам борингни қўш қўллаб тутгин.

Хастанинг кўнглини дарддан фориғ қил, ночорга кўрсатгин, хайру саховат, кексаларнинг аҳволидан ҳол сўрашларинг, баъзилар қулоғига секингина айт. Айтмасин баҳона, кўрсатмасин важ, майли ҳеч қилмасин сарфу харажат, аммо узоқдаги ота-онага, жўнатсин бир энлик соғинч тўла хат.

Онам сени севиб кутгувчи эди, райҳонингни кўзга суртгувчи эди, минг бир дуо-ю ташбеҳлар ила ҳатто нафасларинг қучгувчи эди. Бугун ўша калом менинг тилимда. Онам ўгитлари яшар дилимда, баҳорим борингдан айланай сенинг, хушбўй ифорларинг жонимда менинг.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Ангрен шаҳар СИБ томонидан 1. 10.12.2010 й. № 19624/10 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., «Камаз 5320» русумли, д/р 11 A 6717. Бошланғич баҳоси – 14 709 671,75 сўм. 2. 03.05.2011 й. № 3946/11 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и/ч., «М-412» русумли, д/р 11 N 9038. Бошланғич баҳоси – 742 899,99 сўм. 3. 02.11.2010 й. № 14057/10 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч., «ИЖ» русумли, д/р 10 L 975 AA. Бошланғич баҳоси – 1 151 385,21 сўм. Ангрен шаҳар 29 автокорхона майдонида сақланмоқда. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 4. 14.07.2011 й. № 7662 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч., «Ваз 2109» русумли, д/р 10 D 8231. Бошланғич баҳоси – 2 501 973 сўм. «Бекобод Савдо» МЧЖ омборида сақланмоқда. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 5. 07.09.2010 й. № 12895 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч., «Луаз 395» русумли, д/р 11 D 3910. Бошланғич баҳоси – 1 221 176 сўм 70 тийин. 6. 31.05.2010 й. № 8252 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч., «Москвич 412» русумли, д/р 11 S 845 BA. Бошланғич баҳоси – 1 545 880 сўм 87 тийин. 7. 19.05.2008 й. № 2777 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч., «Москвич 412» русумли, д/р 11 V 6328. Бошланғич баҳоси – 538 680 сўм 65 тийин. 8. 31.05.2010 й. № 8252 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч., «Ваз 2105» русумли, д/р 11 G 2126. Бошланғич баҳоси – 2 121 696 сўм 90 тийин. 9. 06.10.2011 й. № 10376 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч., «Ваз 2102» русумли, д/р 11 T 7056. Бошланғич баҳоси – 1 382 031 сўм 26 тийин. 10. 26.10.2009 й. № 20789 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч., «Ваз 2106» русумли, д/р 11 Y 4226. Бошланғич баҳоси – 902 979 сўм 78 тийин. 11. 17.06.2010 й. № 9297 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., «Газ 24» русумли, д/р 11 T 8467. Бошланғич баҳоси – 686 852 сўм 63 тийин. Янгийўл тумани СИБ томонидан 12. 04.04.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч., «Матиз» русумли, д/р 01 V 638 CA. Бошланғич баҳоси – 12 193 200 сўм. 13. 20.04.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч., «Москвич-412 ИЭ» русумли, д/р 11 K 7764. Бошланғич баҳоси – 657 541 сўм. «Янгийўл Савдо Файз Барака» МЧЖда сақланмоқда.14. 19.12.2008 й. ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч., «Уаз-Б» русумли, д/р 11 A 2595. Бошланғич баҳоси – 290 161 сўм. 15. 27.10.2008 й. ижро ҳужжатига асосан 1961 й. и/ч., «Уаз-452» русумли, д/р 11 L 6686. Бошланғич баҳоси – 998 549 сўм. «Гулбаҳор Матлубот Савдо» МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 18 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Миробод тумани СИБ томонидан 16. 19.11.2012 й. № 36683/10 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1994 й. и/ч., «Ваз-21083» русумли, д/р 01 D 728 EA. Бошланғич баҳоси – 7 140 472 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Маркази омборхонасида сақланмоқда. 17. 03.12.2012 й. № 38965/6 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и/ч., «Ваз-21011» русумли, д/р 10 S 093 CA. Бошланғич баҳоси – 581 678 сўм. «Нумизматика» МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 1 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 1 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 16 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104887305002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Юнусобод тумани СИБ томонидан 08.10.2013 й. № 2127072/15 – сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, О.Зокиров кўчасида жойлашган 9-уй, 26-хонадон. Бошланғич баҳоси 100 000 000 сўм бўлган кўчмас мулк қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 18 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳри, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12. Лицензия: RR-0052

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор тумани Қорақамиш 2/3 мавзеси 8-уй манзилида жойлашган Убайдуллаев Зиёдулла Сагдуллаевичга тегишли бўлган 8-107/2007 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган 3040 сон билан берилган 18 шаклдаги кадастр маълумотномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси таниқли актёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

**Пўлат НОСИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

